

ЮК ТАШИШ КОИДАЛАРИ

Автомобилга ортилган юкнинг вазни ва уқларга тушадиган огирлик микдорининг таксимланиши транспорт воситасини ишлаб чиқарган корхона томонидан белгиланган микдордан ошмаслиги керак (272-расм, “А”).

Хайдовчи ҳаракатни бошлашдан олдин юк тугри жойлашган ва маҳкамланганига ишонч ҳосил қилиш, ҳаракатланиш вақтида эса юк тушиб кетмаслигини ва ҳаракатланишга ҳалакит бермаслигини таъминлаш мақсадида унинг ҳолатини кузатиб бориши керак (273-расм).

Қуйидаги шартлар бажарилганда хайдовчига юк ташиш учун руҳсат берилади:


- агар юк: хайдовчига теварак-атрооф қуринишини чекламаса;
- автомобилни бошқаришни қийинлаштирмаса ва мувозанатни бузмаса;
- ташки ёритиш чирокларини, давлат рақами ва таниқлик белгиларини, шунингдек, ишораларни қуришни тусмаса;
- шовкин солмаса, чанг кутармаса, йулни ва атроф-муҳитни



ифлос қилмаса.

Агар юкнинг жойлашуви ва ҳолати қайд қилинган талабларга жавоб бермаса, хайдовчи юкорида санаб утилган қоидалар буйича чораларни қуриб, кейин ҳаракатланиши мумкин.

Автомобил габаритларидан олд ёки орқа томонга бир метрдан (274-расм, “Б” {б}) ортик чиқиб турган юк “қатта улчамли юк” белгиси билан белгиланиши



(274-расм “Г”), коронги вақтда ва етарли даражада куринмайдиган шароитда эса бунган кушимча килиб, юк олди ок чирок ёки ёруглик кайтаргич, оркаси эса кизил чирок ёки ёруглик кайтаргич билан белгиланиши керак.

Огир, катта улчамли ва хавфли юкларни ташиш, габарит улчамлари юкли ёки юксиз холда эни 2,5 метрдан ва баландлиги йул сатхидан 4 метрдан, узунлиги битта тиркама билан 20 метрдан ортик булган ёхуд юки автомобилнинг орка нуктасидан 2 метрдан ортик чикиб турган, икки ёки ундан ортик тиркамали автопоездларнинг харакатланиши учун ЙХХХининг рухсатномаси булиши керак.